**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI**

# F A R M O Y I S H I

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2020 йил 4 сентябрдаги 02-2488-сон топшириғи билан Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан 2020-2021 йилларга мўлжалланган "Йўл-хариталари" тасдиқланган.

Мазкур "Йўл-хариталари"нинг сифатли ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлик, идора ва хўжалик бошқаруви бирлашмалари раҳбарларига:

яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши мувофиқлик тизимини белгиланган муддатларда жорий этиш;

соҳа фаолиятида замонавий ахборот технологияларини кенг қўллаш орқали "инсон омилини" қисқартириш юзасидан амалий чораларни кўриш;

ходимлар орасида коррупцияга қарши муҳитни шакллантириш ҳамда ички назорат тизими фаолиятини такомиллаштириш топширилган.

Шунингдек, Ҳисоб палатаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда "Йўл-хариталари" ижроси юзасидан электрон назорат тизимини жорий этиш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2020 йил 4 сентябрдаги 02-2488-сон топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Вазир ўринбосарлари, Вазирлик марказий аппарати бошқармалари, бўлимлари ва ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, шунингдек, тизимдаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2020 йил 4 сентябрдаги 02-2488-сон топшириғини маълумот ва ижро учун қабул қилсин (илова қилинади).

2. Қуйидагилар:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг бошқа вазирлик ва идоралар фаолиятидаги яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан 2020-2021 йилларга мўлжалланган "Йўл-харитаси" 1-иловага мувофиқ;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан 2020-2021 йилларга мўлжалланган “Йўл-харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, мазкур “Йўл-хариталари”да белгиланган вазифалар ижроси бўйича масъуллар уларнинг ўз вақтида ва сўзсиз бажарилишини таъминласин.

3. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосарлари зиммасига юклансин.

**Вазир** **Ш. Садиков**

Toshkent sh.
2020-y., “9” - сентябрь
161-ф -son

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил “7” сентябрдаги 161-ф-сон фармойишига
1-ИЛОВА

**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг бошқа вазирлик ва идоралар фаолиятидаги яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан 2020-2021 йилларга мўлжалланган**

**“Й Ў Л  Х А Р И Т А С И” ***

| Т.р | Коррупцион хавф-хатарлар мазмуни | Амалга ошириладиган тадбирлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизми ва босқичлари | Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши мувофиқлик “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш** | | | | | |
| **1.** | Вазирлик, идора ва ташкилотларнинг электрон маълумот базалари Давлат солиқ қўмитасининг электрон маълумотлар базаси билан интеграция қилинмаган.<br>Бу эса, яширин иқтисодиётнинг ривожланишига ва коррупция ҳолатлари келиб чиқишига асосий омил бўлиб қолмоқда. | Халқ таълими вазирлигининг электрон маълумотлар базасида шаклланган ахборотлардан яширин иқтисодиётнинг олдини олиш, вазирлик ва идоралар ўртасида маълумот алмашиш тизимини йўлга қўйиш ва бюджетга қўшимча даромадларни жалб қилишда фойдаланиш. | Халқ таълими вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси электрон маълумотлар базасини ўзаро интеграция қилиш бўйича “Чора-тадбирлар режаси” юзасидан таклифларни Халқ таълими вазирлигига тақдим этиш<br><br>Чора-тадбирлар режасида назарда тутилган вазифалар | 2020 йил 1 октябрь<br><br>2021 йил 1 апрель | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” (Б.Зияев), Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ (Э.Гимранов) |

| Т.р | Коррупцион хавф-хатарлар мазмуни | Амалга ошириладиган тадбирлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизми ва босқичлари | Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | бўйича тақдим этилган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш | | |
| **II. Давлат назорат тизимлари автоматлаштирилиши ва замонавий ахборот технологияларининг қўлланилиши** | | | | | |
| **2.** | Вазирлик ва идоралар ҳамда ташкилотларнинг электрон маълумотлар базалари билан интеграция қиилнмаган. | “Ўзкимёсаноат” АЖнинг электрон маълумотлар базасида шаклланган ахборотлардан яширин иқтисодиётнинг олдини олиш, вазирлик ва идоралар ўртасида маълумотлар алмашиш тизимини йўлга қўйиш ва такомиллаштириш орқали бюджетга қўшимча даромадларни жалб қилиш | Давлат солиқ қўмитаси электрон маълумотлар базаси билан интеграция қилиш бўйича “Чора-тадбирлар режаси”га таклифларни “Ўзкимёсаноат” АЖга тақдим этиш<br><br>Чора-тадбирлар режасида назарда тутилган вазифалар бўйича тақдим этилган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш | 2020 йил 1 октябрь<br><br>2020 йил 1 декабрь | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси, “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” (Б.Зияев), Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ (Э.Гимранов) |
| **3.** | Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси томонидан бериладиган:<br>Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолиятни лицензиялаш ҳамда | Саноат хавфсизлиги соҳасидаги (Саноат хавфсизлиги лицензия ва рухсат бериш бўйича лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш) электрон давлат хизматларини жорий | Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасига ички идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқиш бўйича таклифларни тақдим | 2021 йил 1 март | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” |

| Т.р | Коррупцион хавф-хатарлар мазмуни | Амалга ошириладиган тадбирлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизми ва босқичлари | Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | соҳадаги 27 та махсус рухсатномаларни расмийлаштиришда шаффофликни амалга ошириш | этиш. | этиш | | (Б.Зияев), Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ (Э.Гимранов) |
| **4.** | “Яширин иқтисодиёт” ва коррупцияга қарши курашиш борасида тизимда рақамли технологияларни қўллаган ҳолда инсон омилини имкон қадар минималлаштириш, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ахборот алмашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўриш лозим. | Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Транспорт вазирлиги билан биргаликда импорт товарларнинг кириб келиши, божхонадан ўтказилиши ҳамда сотилиши бўйича ягона маълумотлар базасини ишга тушириш. | Электрон дастурнинг техник топшириғи юзасидан таклифларни Давлат божхона қўмитасига тақдим этиш<br><br>Техник топшириқ юзасидан дастурни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича лойиҳани экспертизадан ўтказиш. | 2020 йил 20 сентябрь<br><br>2020 йил 1 октябрь | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” (Б.Зияев), Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ (Э.Гимранов) |
| **5.** | Давлат солиқ хизмати тизимида маълумотлар алмашиш ва уларни қайта ишлашнинг техник ва коммуникацион имконияти бугунги кун талабларига жавоб бермайди. | Давлат солиқ қўмитасининг маълумотларни қайта ишлаш марказини замонавий сервер ускуналар ва дастурий таъминот билан қайта жиҳозлаш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан амалий ишлар олиб бориш ва берилган топшириқнинг ўз вақтида бажарилиши юзасидан таклифларни Давлат солиқ қўмитасига киритиш. | Таклифларни ишлаб чиқиб, уларни Давлат солиқ қўмитасига тақдим этиш | 2020 йил 25 декабрь | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” (Б.Зияев), Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ (Э.Гимранов) |

| Т.р | Коррупцион хавф-хатарлар мазмуни | Амалга ошириладиган тадбирлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизми ва босқичлари | Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 6. | Стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳасида электрон реестр тўлик шакллантирилмаган ва Давлат солик қўмитаси маълумотлар базаси билан интеграция қилинмаган. | “Ўзстандарт” агентлиги тизимида барча жараёнларни қамраб олувчи Ягона ахборот тизимини жорий қилиш ҳамда киритилаётган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси билан ахборот алмашинувини йўлга қўйиш. | “Ўзстандарт” агентлиги тизимида жорий қилинган Ягона ахборот тизимини Давлат солиқ қўмитаси ахборот тизимлари билан интеграция қилиш | 2020 йил 1 декабрь | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” (Б.Зияев), Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ (Э.Гимранов) |
| 7. | Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан статистика ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилинаётган ҳисоботлар ўртасида тафовутлар мавжуд. | Статистика ҳисоботлари маълумотларини Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базаси билан ўзаро солиштириш, маълумотлар ўртасидаги ўзаро номувофиқликларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва маълумотлар ҳаққонийлигини доимий равишда ўрганиб бориш механизмини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш. | Маълумотлар базаларини ўзаро солиштириш механизмини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш | 2020 йил 1 ноябрь | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” (Б.Зияев), Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ (Э.Гимранов) |
| 8. | Адлия вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини тезкорлик билан аниқлаш имконияти мавжуд эмас. *(Ахборот-коммуникацион дастурий таъминотни такомиллаштириш* | Барча адлия органлари ва муассасаларида кадрларни бошқаришнинг электрон тизимини жорий этиш (шу жумладан, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, кадрлар захирасини шакллантириш ва ҳ.к.) | Дастурий таъминот лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан таклифларни Адлия вазирлигига тақдим этиш<br><br>Ишлаб чиқилган | 2021 йил 1 март<br><br>2021 йил | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” (Б.Зияев), |

| Т.р | Коррупцион хавф-хатарлар мазмуни | Амалга ошириладиган тадбирлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизми ва босқичлари | Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | *натижасида Вазирлик тизимида манфаатлар тўқнашувини тезкорлик билан аниқлаш).* | | дастурий таъминот лойиҳасини экспертизадан ўтказиш | 1 апрель | Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ (Э.Гимранов) |
| **9.** | Адлия вазирлигида статистик ҳисоботларни умумлаштиришда нопотизм (таниш-билишчилик) ҳамда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари эҳтимоли мавжуд.<br>*(Ахборот-технологиялари ва дастурий таъминотларни ривожлантириш орқали электрон назорат механизмларини кучайтириш ва иш самарадорлигини ошириш).* | Статистик ҳисоботларни умумлаштиришда нопотизм (таниш-билишчилик) ҳамда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олиш мақсадида статистик ҳисоботларни инсон омилини бартараф этган ҳолда “av.ijro.uz” электрон ҳужжат айланиш тизимида автоматик равишда шакллантириш алгоритимини жорий қилиш чораларини кўриш | Дастурий таъминот лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан таклифларни Адлия вазирлигига тақдим этиш<br><br>Ишлаб чиқилган дастурий таъминот лойиҳасини экспертизадан ўтказиш | 2021 йил 1 январь<br><br>2021 йил 1 февраль | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” (Б.Зияев), Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ (Э.Гимранов) |
| **10.** | Адлия органлари ва муассасалари томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар сарфланишини масофавий назорат қилиш механизмлари мавжуд эмас.<br>*(Ахборот-технологиялари ва дастурий таъминотларни ривожлантириш орқали электрон назорат механизмларини кучайтириш ва иш самарадорлигини ошириш).* | Адлия органлари ва муассасалари томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар сарфланишини масофавий назорат қилиш бўйича электрон мониторинг қилиш тизимини ишга тушириш. | Дастурий таъминот лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан таклифларни Адлия вазирлигига тақдим этиш<br><br>Ишлаб чиқилган дастурий таъминот лойиҳасини экспертизадан ўтказиш | 2020 йил 1 ноябрь<br><br>2020 йил 1 декабрь | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” (Б.Зияев), Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ (Э.Гимранов) |

| Т.р | Коррупцион хавф-хатарлар мазмуни | Амалга ошириладиган тадбирлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизми ва босқичлари | Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **11.** | Интеллектуал мулк агентлигида барча иш жараёнларини, ҳисоботлар ва статистик кўрсаткичларни қамраб оладиган ягона ахборот дастури мавжуд эмас.<br>*(Ахборот-технологиялари ва дастурий таъминотларни ривожлантириш орқали электрон назорат механизмларини кучайтириш ва иш самарадорлигини ошириш)* | Интеллектуал мулк агентлигининг вазифа ва функциялари, фаолиятининг барча жараёнларини қамраб оладиган ягона ахборот тизимини жорий қилиш ҳамда у орқали барча молиявий ҳисоботларнинг назоратини амалга ошириш. | Дастурий таъминот лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан таклифларни Адлия вазирлигига тақдим этиш<br><br>Ишлаб чиқилган дастурий таъминот лойиҳасини экспертизадан ўтказиш | 2020 йил 15 сентябрь<br><br>2020 йил 1 октябрь | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” (Б.Зияев), Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ (Э.Гимранов) |
| **III. Давлат харидлари, бюджет маблағларини сарфлашда шаффоф ва самарали тизимни жорий этиш** | | | | | |
| **12.** | Вазирлик ва идоралар ҳамда ташкилотларнинг электрон маълумотлар базалари Давлат солиқ қўмитасининг электрон маълумотлар базалари билан (бугунги кун талаблари даражасида) интеграция қилинмаган.<br>Натижада, вазирлик ва идоралар маълумотлари мувофиқлаштирилмасдан тафовутлар билан шаклланмоқда. | Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг электрон маълумотлар базасида шаклланган ахборотлардан яширин иқтисодиётнинг олдини олиш, вазирлик ва идоралар ўртаисда маълумот алмашиш тизимини йўлга қўйиш ва такомиллаштириш орқали бюджетга қўшимча даромадларни жалб қилиш. | Давлат солиқ қўмитаси электрон маълумотлар базаси билан интеграция қилиш “Чора-тадбирлар режаси” юзасидан таклифларни Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш | 2020 йил 1 октябрь | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” (Б.Зияев), Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ (Э.Гимранов) |

| Т.р | Коррупцион хавф-хатарлар мазмуни | Амалга ошириладиган тадбирлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизми ва босқичлари | Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | агентлигига тақдим этиш<br><br>Чора-тадбирлар режасида назарда тутилган вазифалар бўйича тақдим этилган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш | <br><br><br>2021 йил 1 декабрь | |
| **IV. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва соҳага оид бошқа вазифалар** | | | | | |
| **13.** | Ҳисоб палатаси томонидан 2020 йилнинг август ойида электр энергияси ҳисоби ва назоратининг автоматлаштирилган тизимини ўрнатиш лойиҳасининг Жиззах вилоятида амалга оширилишини ўрганиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш. | “Электр энергияси ҳисоби ва назоратининг автоматлаштирилган тизимини ўрнатиш” лойиҳасини Жиззах вилояти ҳудудида тўлик якунлаш, жумладан:<br>1. Автоматлаштирилган тизимга бунгача уланмаган 44,4 минг абонентни улаш;<br><br>2. Интернет тармоғи мавжуд бўлмаган МФЙларда сифатли интернет тармоғи, симли телефон тармоғини ўрнатиш ва ушбу МФЙлардаги абонентларни | Зомин, Фориш, Ғаллаорол ва Ш.Рашидов туманларида тўлик мобил ва симли телефон алоқасини яхшилаш ва сифатли интернет тармғи ва симли телефон алоқаси билан таъминлаш чораларини кўриш<br><br>Жиззах вилоятида автоматик тизимга уланмай турган 44 731 та абонентни электр энергияси | 2020 йил 30 ноябрь<br><br>2020 йил 31 декабрь | Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси (Ш.Мелибоев), Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси, “Ўзбектелеком” АК (Н.Хасанов), мобил операторлар, |

| Т.р | Коррупцион хавф-хатарлар мазмуни | Амалга ошириладиган тадбирлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизми ва босқичлари | Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | тизимга улаш чораларини кўриш | ҳисоби ва назоратининг автоматлаштирилган тизимига улаш | | |

***Изоҳ:** Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров) ва Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси (Ш.Мелибоев) мазкур "Йўл-харита"да белгиланган вазифалар ўз вақтида бажарилиши учун шахсан масъул ҳисобланади ва бажарилган ишлар ҳақидаги маълумотларни ҳар ойда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идораларга умумлаштирган ҳолда етказиб турилишини таъминлайди.

Масъул ижрочилар бошқа ишга ўтган тақдирда уларнинг ўрнига келган ёки унинг ўрнини босувчи шахслар мазкур топшириқларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлайди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил “_7_” сентябрдаги 161-Ф –сон фармойишига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан 2020-2021 йилларга мўлжалланган**
**“Й Ў Л  Х А Р И Т А С И”**

| Т.р | Коррупцион хавф-хатарлар мазмуни | Амалга ошириладиган тадбирлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизми ва босқичлари | Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши мувофиқлик “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш** | | | | | |
| **1.** | Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида коррупцияга қарши мувофиқлаштириш “комплаенс-назорат” тизими мавжуд эмас. | 1. Вазирлик ва унинг тизимида Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш. | Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурхонов), Бош прокуратура (Н.Йўлдошев), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Ҳисоб палатаси (Б.Турабов) билан ҳамкорликда махсус “Ишчи гуруҳ” тузиш | 2020 йил 15 сентябрь | Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси (Г.Курбанова), Инвестициялар ва молиявий назорат бошқармаси (С.Эргашев), Кадрлар бўлими (З.Тогаева), Рақамли стратегик ривожлантириш бошқармаси (Ш.Шукуров), “Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | янги тузилмани ташкил этиш. | | | |
| **3.** | Вазирлик ва унинг тизимида Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш. | Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш ҳақида буйруқ қабул қилиш | 2020 йил 1 ноябрь | Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган янги тузилма, Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси (Г.Курбанова), Инвестициялар ва молиявий назорат бошқармаси (С.Эргашев), Кадрлар бўлими (З.Тогаева), Рақамли стратегик ривожлантириш бошқармаси (Ж.Шукуров), “Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси (Ш.Мелибоев), Тизимдаги ташкилотлар раҳбарлари |
| **4.** | Коррупцияга қарши курашиш сиёсатини (Стратегиясини) ишлаб чиқиш. | Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш | 2020 йил 1 ноябрь | Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган янги тузилма, Рақамли стратегик ривожлантириш бошқармаси (Ж.Шукуров) |
| **5.** | Одоб-ахлоқ қоидаларини коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларига мувофиқлаштириш. | Ички идоравий ҳужжат | 2020 йил 1 ноябрь | Кадрлар бўлими (З.Тогаева), Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган янги тузилма |
| **6.** | Қонунбузилишлар тўғрисида хабар бериш бўйича тартиб ва регламентларни ишлаб чиқиш. | Ички идоравий ҳужжат | 2020 йил 1 ноябрь | Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси (Г.Курбанова), Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган янги тузилма |
| **7.** | Хизмат жараёнида манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш | Ички идоравий ҳужжат | 2020 йил 1 ноябрь | Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ҳамда бу ҳолатда ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш бўйича тартиб ишлаб чиқиш. | | | тизимига масъул бўлган янги тузилма, Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси (Г.Курбанова) Кадрлар бўлими (З.Тогаева) |
| **8.** | Вазирлик ва идоралар билан соҳага оид вазифаларни бажариш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича тартиб ишлаб чиқиш.<br>Бунда, Вазирлик Марказий аппаратининг барча бошқарма ва бўлимлари ва тизимдаги ташкилотлар раҳбарлари ўз йўналиши бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик битимини тузиб, уни тасдиқловчи ҳужжатларни Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган янги тузилмага топширади. | Ички идоравий ҳужжат | 2020 йил 1 ноябрь | Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган янги тузилма, Вазирлик Марказий аппаратининг барча бошқарма ва бўлимлари ҳамда тизимдаги ташкилотлар раҳбарлари |
| **9.** | Хизмат сири ёки махфийлик қоидаларига риоя қилиш бўйича тартиб ишлаб чиқиш. | Ички идоравий ҳужжат | 2020 йил 1 ноябрь | Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўлими (А.Исмаилов), Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган янги тузилма |
| **10.** | Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва давлат хариди бўйича тартиб ва доимий мониторинг олиб бориш сиёсатини назарда тутувчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш. | Ички идоравий ҳужжат | 2020 йил 1 ноябрь | Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси (Г.Курбанова) Инвестициялар ва молиявий назорат бошқармаси (С.Эргашев), Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган янги тузилма |
| **11.** | Ишга қабул қилишда | Ички идоравий ҳужжат | 2020 йил | Махсус ишлар бўлими |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | номзодларни текшириш бўйича йўриқномаларни ёки ишга қабул қилиш жараёнини тартибга солувчи ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш. | | 1 ноябрь | (Д.Алиходжаев), Кадрлар бўлими (З.Тогаева) |
| **12.** | Ишчи гуруҳи томонидан берилган тавсиялар ва халқаро тажрибаларни ўрганиб чиқиб, амалдаги меъёрий-ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ва янги ҳужжатларни ишлаб чиқиш (юқорида қайд этилганлардан ташқари). | Ички идоравий ҳужжат | 2020 йил 1 ноябрь | Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган янги тузилма, Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси (Г.Курбанова), Инвестициялар ва молиявий назорат бошқармаси (С.Эргашев), Кадрлар бўлими (З.Тогаева), Рақамли стратегик ривожлантириш бошқармаси (Ж.Шукуров), “Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси (Ш.Мелибоев) |
| **13.** | Малакали ходимларни тайёрлаш ва ходимларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида назарий ҳамда амалий кўникмаларни шакллантириш. | Малака ошириш ўқув курсларини ташкиллаштириш ва ўтказиш | 2020 йил 1 декабрь | Таълим муассасалари билан ҳамкорлик бўлими, Кадрлар бўлими (З.Тогаева) Иқтисодиёт ва тарфилар бошқармаси (Г.Курбанова), Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган янги тузилма |
| **14.** | Ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича | Меҳнат шартномасининг намунавий шаклини ишлаб чиқиш | 2020 йил 1 ноябрь | Кадрлар бўлими (З.Тогаева), Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган янги тузилма |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | мажбуриятларни қайд этиш. | | | |
| **15.** | Барча ходимларни коррупцияга қарши сиёсат ва ташкилий тизим фаолияти билан таништириш. | Ўқув семинарлари Режа-жадвалини тасдиқлаб, белгиланган муддатда бажариш | 2020 йил ноябрь-декабрь ойлари | Таълим муассасалари билан ҳамкорлик бўлими,<br>Кадрлар бўлими (З.Тогаева),<br>Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган янги тузилма |
| **16.** | Коррупцияга қарши сиёсат ёки тизим талабларини бузган ходимларга тегишли жазо чораларининг муқаррарлигини таъминлаш. | Ички идоравий хужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш | 2020 йил<br>1 ноябрь | Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган янги тузилма,<br>Кадрлар бўлими (З.Тогаева),<br>Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси (Г.Курбанова,)<br>Тизимдаги ташкилотлар раҳбарлари |
| **17.** | Ходимларнинг Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизими сиёсати ва ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиб чиққанлик даражасини аниқлаш юзасидан мониторинг ва таҳлил, баҳолаш ишларини олиб бориш. | Шаҳодат синовларини ўтказиш, электрон тест синовлари орқали баҳолаш | Режа-жадвал асосида | Таълим муассасалари билан ҳамкорлик бўлими,<br>Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган янги тузилма |
| **18.** | Вазирлик ва унинг тизимида Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимини, мониторинг, баҳолаш ишларини амалга ошириш ҳамда натижаси бўйича ҳисоботларни юритиш. | Ҳисоботларни расмийлаштириб, вазир ва ваколатли органларга тақдим этиш | Доимий, ҳар ой якуни бўйича | Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган янги тузилма,<br>Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси (Г.Курбанова),<br>Инвестициялар ва молиявий назорат бошқармаси (С.Эргашев),<br>Кадрлар бўлими (З.Тогаева),<br>Рақамли стратегик ривожлантириш бошқармаси (Ж.Шукуров),<br>“Электрон хукуматни ривожлантириш бошқармаси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | (А.Мансуров), Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси (Ш.Мелибоев) |
| **19.** | Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш даражаси ва унинг самарадорлиги юзасидан аудит ўтказиш ҳамда тегишли сертификатларни олиш учун амалга оширилиши лозим бўлган ишлар. | Тизим самарадорлигини баҳолаш юзасидан ўрганиш ва аудит ўтказиш | 2021 йил давомида | Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган янги тузилма, Инвестициялар ва молиявий назорат бошқармаси (С.Эргашев), Таълим муассасалари билан ҳамкорлик бўлими |
| | **II. Ахборот-коммуникация технологиялари органларида давлат назорат тизимлари автоматлаштирилиши ва замонавий ахборот технологияларининг қўлланилиши** | | | |
| **20.** | Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат доирасидаги лойиҳалар ҳисобини марказлашган ҳолда юритиш учун мўлжалланган “Электрон ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурслари” ягона реестри ахборот тизимини жорий этиш. | Техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш<br><br>Ягона реестрни амалиётга жорий этиш<br><br>Барча ахборот тизимлари Ягона реестрга киритилишини таъминлаш | 2020 йил 1 октябрь<br><br>2021 йил 20 январь<br><br>2021 йил 1 март | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси (Г.Курбанова), Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси (О.Омонов), “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси (Б.Зияев) |
| **21.** | Давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари ва йиғимларини ҳисобга олиш бўйича Ягона биллинг тизимни янада такомиллаштириш орқали тўловлар жараёни шаффофлигини таъминлаш. | Ягона биллинга уланиши лозим бўлган хизматлар рўйхатини тасдиқлаш ва такомиллаштириш | 2021 йил 1 апрель | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” (Б.Зияев), “Ягона интегратор – “UZINFOCOM” МЧЖ (Э.Гимранов) |
| **22.** | Ягона интерактив давлат хизматлари порталини | Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва мавжуд камчиликларни | 2021 йил 1 январь | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | такомиллаштириш ва унинг мобил иловасини ишлаб чиқиш.<br>Кўрсатилган электрон хизматларни баҳолаш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ягона порталдан фойдаланиш имкониятини яратиш. | бартараф этиш | | “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” (Б.Зияев), “Ягона интегратор – “UZINFOCOM” МЧЖ (Э.Гимранов) |
| **23.** | “Электрон ҳукумат”нинг маълумотларни қайта ишлаш ягона марказини ташкил қилиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш | 2020 йил<br>25 декабрь | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси (Ш.Мелибоев), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” (Б.Зияев), Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ (Э.Гимранов) “Ўзбектелеком” АК (Н.Хасанов) |
| **24.** | Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, кўриб чиқиш ва келишишни электрон тарзда амалга ошириш имконини берувчи “E-qaror” электрон тизимини яратиш. | Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш<br><br>Тизимни синов тарзида Қашқадарё вилоятида жорий этиш | 2020 йил<br>30 октябрь<br><br>2021 йил<br>25 январь | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси (Г.Курбанова), Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси (О.Омонов), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” (Б.Зияев), Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ (Э.Гимранов) |
| **25.** | “Рақамли идора” лойиҳасини амалга ошириш. | Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | 2020 йил<br>1 ноябрь | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” (Б.Зияев), |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | “Unicon.uz” ДУК (М.Махмудов) |
| **III. Ахборот-коммуникация технологиялари ва унинг тизимидаги корхона ҳамда ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган давлат харидлари, бюджет маблағларини сарфлашда шаффоф ва самарали тизимни жорий этиш** | | | | |
| **26.** | Олиб борилган ишлари юзасидан шаффофликни таъминлаш ва кенг жамоатчилик олдида электрон ҳисобот бериш тартибини жорий этиш. | Йиллик ва ярим йиллик ҳисоботларни расмий веб-сайтда эълон қилиб бориш | 2020 йил 1 декабрь | Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган янги тузилма, Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси (Г.Курбанова), Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими (Ш.Ахматов) |
| **27.** | Вазирлик тизимидаги ташкилот ва идораларнинг харидлар соҳасидаги фаолиятини доимий равишда ўрганишни ташкил этиш.<br>Халқаро аудиторлик компаниялари ёки бошқа аудиторлик ташкилотларини жалб қилган ҳолда харид тизимини аудитдан ўтказиш. | Харидлар тизимини ўрганиш жадвалини тасдиклаш<br><br>Аудиторлик ташкилотларини жалб қилиш ва аудитдан ўтказиш | 2020 йил 1 ноябрь<br><br>Доимий | Инвестициялар ва молиявий назорат бошқармаси (С.Эргашев), Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси (Г.Курбанова), Ташкилий назорат бошқармаси (Х.Салибаев), Тизимдаги ташкилотлар раҳбарлари |
| **IV. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва соҳага оид бошқа вазифалар** | | | | |
| **28.** | Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи “E-Anticor.uz” электрон платформасини жорий этиш.<br>Коррупция ҳолатлари ҳақида давлат ваколатли органларини | Ташкилий-техник тадбирлар | 2020 йил 30 октябрь | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси (Г.Курбанова), Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси (О.Омонов), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” (Б.Зияев), Ягона интегратор “UZINFOCOM” |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | хабардор қилиш имконини берувчи махсус мобил дастурий таъминотини ишлаб чиқиш. | | | МЧЖ (Э.Гимранов) |
| **29.** | Почта алоқаси хизмати кўрсатишдан тушган тушумларнинг марказлашган тартибда онлайн ҳисобини юритиш. | Виртуал касса тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш | 2021 йил<br>1 июль | Почта алоқаси хизматлари ва логистикасини ривожлантириш бўлими (М.Матякубов),<br>“Ўзбекистон почтаси” АЖ (А.Файзуллаев) |
| **30.** | Қуйидаги йўналишлар бўйича “Инсон омили” таъсири мавжуд бўлган айрим хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш: | Чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | | |
| | телекоммуникация; | | 2020 йил<br>1 октябрь | Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси (Ш.Мелибоев) |
| | почта; | | 2020 йил<br>10 октябрь | Почта алоқаси хизматлари ва логистикасини ривожлантириш бўлими (М.Матякубов) |
| | рақамли иқтисодиёт | | 2020 йил<br>20 октябрь | Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси |
| | таълим | | 2020 йил | Таълим муассасалари билан ҳамкорлик |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | давлат харидлари, инвестиция ва молиявий назорат | | 30 октябрь<br><br>2020 йил<br>1 ноябрь | бўлими<br><br>Инвестициялар ва молиявий назорат бошқармаси (С.Эргашев) |
| **31.** | Товар ва хизматларни сотишда шаффофликни таъминлаш. | Товар ва хизматлар нархлари тўғрисидаги маълумотларни расмий сайтда жойлаштириш | Доимий | Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси (Г.Курбанова),<br>Инвестициялар ва молиявий назорат бошқармаси (С.Эргашев),<br>Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими (Ш.Ахматов),<br>тизимдаги ташкилотлар раҳбарлари |
| **32.** | Ушбу йўл-харитасидан келиб чиқиб, ташкилотнинг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида ташкилотда яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан 2020-2021 йилларга мўлжалланган “йўл-хариталари”ни тасдиқлаш ва натижасини Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган янги тузилмага тақдима этиш. | Ички идоравий хужжат | 2020 йил<br>20 ноябрь | Тизим ташкилотлари раҳбарлари,<br>Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган янги тузилма |
| **V. Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ва тарғибот-ташвиқот ишлари** | | | | |
| **33.** | Даврий нашрлар, интернет сайтлари учун махсус мақолалар, радиоканаллар учун эшиттиришлар, телевидениега махсус лавҳа, кўрсатув, | Оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш | Доимий,<br>ҳар чоракда | Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими (Ш.Ахматов),<br>Вазирлик марказий аппарати бошқарма ва бўлимлари, тизимдаги |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | интервьюлар тайёрлаш ва матбуот анжуманини ўтказиш. | | | ташкилотлар раҳбарлари |
| **VI. Вазирлик ва идораларида давлат назорат тизимларини автоматлаштирилиши ва замонавий ахборот технологияларини қўлланилиши** | | | | |
| **34.** | Қурилиши тугалланмаган ва фойдаланишга топширилмаган объектлар ва уларнинг эгалари кесимидаги маълумотларни Давлат солиқ қўмитасига “онлайн” тарзда ахборот бериш тизимини амалиётга жорий қилишда Қурилиш вазирлигига амалий ёрдам кўрсатиш. | Тизимларни ўзаро интеграциялаш бўйича технологик йўриқнома ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, маълумотлар алмашинувини ташкил этишда кўмаклашиш | 2021 йил 1 январь | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” (Б.Зияев), Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ (Э.Гимранов) |
| **35.** | Давлат солиқ қўмитасининг маълумотларни қайта ишлаш марказини замонавий сервер ускуналари ва дастурий таъминот билан қайта жиҳозлаш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб бориш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишида Давлат солиқ қўмитасига амалий ёрдам кўрсатиш. | Тегишли вазирлик ва идоралар билан таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритишда кўмаклашиш | 2020 йил 1 ноябрь | Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” (Б.Зияев), Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ (Э.Гимранов) |